

Умидли ёшлар маскани

Сир эмаски, бугун мамлакатимизда ёшларга доир сиёсатнинг асл мақсади битта: Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт! Бу юксак гоёни рўёбга чиқариш йўлида эса дадил қадамлар ташланмоқда.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганидан бери ўтган салкам беш йил мобайнида юртимизда кўплаб янги спорт мажмуалари қад ростлади, минглаб ўғил-қизлар турли спорт тўғрақларига жалб қилинди. Айниқса, жамғарманинг Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилгани спортни янада омалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар изчиллигини таъминлади.

Бир пайтлар замонавий спорт иншоотлари фақат мамлакатимиз пойтахти ва айрим вилоят марказларидагина кўзга ташланарди. Юртбошимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил топган, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам юзга яқин замонавий болалар спорт иншоотлари қуриб фойдаланишга топши-

рилди. Яқин-яқингача ёшларимиз чет элда ўтган халқаро мусобақаларда қатнашиб қайтса, у ердаги спорт иншоотлари ҳақида ҳаяжон билан гапириб юришарди. Бугун юртимизда бунёд этилаётган спорт саройлари, сув ҳавзалари, стадионлар ҳар жиҳатдан замонавийлиги билан хорижликларнинг ҳам диққат-эътиборини тортмоқда.



Мухаммад АМИН (ўра) олган суратлар

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги «Умид» болалар спорт мажмуи ҳам ана шундай ибратли масканлардан бири саналади. Айни вақтда бу ерда кунига олти юз нафар ўғил-қиз спортнинг ўн уч тури бўйича шугулланиб, маҳоратларини оширишмоқда.

Туманимиздаги Ҳабиб Абдуллаев номи, «Яланғоч», «Баҳор» сингари ўнга яқин маҳаллаларнинг фарзандлари узларининг буш вақтларини шу ерда ўтказишади, — дейди мажмуа директори Анвар Набиев. — Мажмуанинг спорт заллари, сув ҳавзалари, волейбол, футбол, кўл түпи майдонлари болалар ихтиёрида.

Бу ерда турли спорт тўғрақлари фаолиятидан ташқари таниқли спортчилар билан учрашувлар уюштириш анъаналардан бири саналади. Шунингдек, «Умид»нинг шаҳар ва республика миқёсидаги ийрик спорт мусобақалари ва тadbирларга мезбонлик қилаётгани ҳам ўғил-қизларимиз тарбиясида муҳим аҳамият касб этаётди.

Эътиборлиси, спорт мажмуи тарбияланувчилари нафақат жисмоний чиникишмоқда, балки спорт мусобақаларида ҳам юқори натижаларни кўлга киритишмоқда. Жумладан, бу ерда спорт билан шугулланаётган ёшлар «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг шаҳар ва республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллашапти. Баскетбол бўйича 18 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам шу ерда машгулотлар ўтказишади. Владимир Арефьев мураббийлик қилаётган баскетболчи қизлар қиёда Сингапурда ўтган Осиё чемпионатида катнашди. Шундай ийрик халқаро мусобақада илк маротаба иштирок этишга қарамай, «Умид»нинг қизлари ўз тенгқурлари ичида муносиб кўрсаткичга эришдилар.

Шахобиддин РАСУЛОВ
Суратларда: «Умид» спорт мажмуи тўғрақлари фаолиятидан лавҳалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бутун мусулмон оламининг ифодачиси бўлган Жаҳон ислом лигаси номидан Сиз, Жаноби Олийларини ва Ўзбек халқини муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади. Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат ато этишини сўрайман.

Жаҳон ислом ташкилоти мамлакатининг ислом маданиятини ривожлантириш ишига қўша-

ётган ҳиссасини юксак қадрлайди. Бу муҳим воқеани муносиб нишонлаш мақсадида биргаликда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзусида халқаро семинар ўтказишга тайёр эканимизни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Сизга бўлган юксак ҳурмат-эътиромимни изҳор этаман, Ўзбекистон халқига янада раванқ ва фаровонлик тилайман.

Қамоли эътиром билан,

Доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий,
Жаҳон ислом лигаси Бош котиби

2007 йил - Ижтимоий Ҳимоя йили

Соғлом авлод — юрт келажаги

Ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Сурхондарё вилоятида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва баркамол авлодни воёга етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Йил давомида фертил ёшидаги 488 минг нафар аёл тиббий кўриқдан ўтказилиб, бетобларда барча кулайликларга эга спорт мажмуалари бунёд этилган.

Вилоятдаги мактаб, лицей ва бошқа ўқув даргоҳларида эса ўсмир қизларни оила қуришга тайёрлаш бўйича ўзига хос тажриба тулган. «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» дастури асосида махсус машгулотлар ўтказилмоқда.

Вилоятдаги мактаб, лицей ва бошқа ўқув даргоҳларида эса ўсмир қизларни оила қуришга тайёрлаш бўйича ўзига хос тажриба тулган. «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» дастури асосида махсус машгулотлар ўтказилмоқда.

Баркамол авлоднинг соғлом воёга етишида спортнинг муҳим ўрни бор. Шу боис болаларни спортга жалб қилиш, ёшларнинг мунтазам

ассасаларини қайта таъмирлаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасида вилоятимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди, — дейди Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Комил Абдувоҳидов. — Янги қурилган ва реконструкция қилинган 46 қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Вилоят болалар шифохонаси, Қумқўрган тумани ва вилоят тугруқхонаси, Музработ, Шеробод туманлари марказий шифохоналари капитал ва жорий таъмирланди. 184 қишлоқ врачлик пункти ЭКГ аппарати, лаборатория ва жаррохлик жиҳозлари билан таъминланди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА муҳбири

9 февраль - Алишер Навоий туғилган кун

«Сахий булутдир — иши хирмон...»

Мамлакатимизда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди-ни ўрганиш, инсонпарварлик билан йўғрилган бебаҳо гоёларини нафосат муҳлислари, айниқса, ёш авлод он-гига сингдириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти кичик илмий ҳодими, ёш навоийшунос Нодир РАМАЗОНОВнинг ушбу тадқиқоти ана шу мавзуда. У бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар замирида Алишер Навоийнинг умрбўқий асарлари ва юксак маънавиятга қорловчи бетакрор ўғитлари мужжасам. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан Ижтимоий Ҳимоя йили, деб эълон қилинган 2007 йилда буюк мутафаккирнинг меҳр-шафқат, мурувват ва Ҳиммат, саховат ва оқибат сингари фазилатлар хусуси-

даги қарашларининг аҳамияти янада ортади. Мир Алишер Навоийнинг ижоди маънавият қомуси бўлса, унинг ҳаёти, амалга оширган эзгу ишлари ибрат мактаби сифатида миллионлар томонидан эъзозланиб келмоқда. Бобомиз ўз ҳаёти-ни халқ хизматида сарф этган.

Одамий эрсанг
демагил одами,
Ониким, йўқ халқ
ғамидин ғами, —
мисралари нафақат ўғит-насиҳат, балки шоирнинг ўзи учун ҳам улуг дастуриламал бўлган. Мирхонд, Хондамир, Бобур, Восифий, Дўғлот ва бошқа муаллифларнинг асарларида Алишер Навоийнинг халқ фаровонлиги, илм, ҳунар аҳли раванқи учун амалга оширган хайрли ишлари ҳақида батаф-

сил маълумотлар берилган. Манбаларда қайд этилишича, Алишер Навоий томонидан барпо этилган бино ва иншоотлар сони тўрт юзга яқин бўлиб, улар орасида мактаб, мадраса, ҳаммом, кўприк, хонақо, масжид, сув етказиб бериш иншоотлари кўпчилигини ташкил этган.

Навоийнинг ҳомийлик фаолияти ҳам ўрнатқ бўларлидир. Бобурнинг «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий (қувват берувчи, мададкор) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлмай», деган сўзлари ҳам беҳиз эмас. Бобомизнинг кутубхонасида етмишдан ортиқ котиб ва расом китобат санъати сирларини эгаллаб, ҳозир жаҳоннинг кўплаб музей ва нодир китоб фондларида сақланаётган қўлёзмаларни китобат этганлар. Улар орасида Султонали Маъшадий, Абдуҷамил котиб, Маҳмуд музаҳҳиб, Дарвеш Муҳаммад Токий сингари машҳур инсонлар бор.

Навоийнинг ҳомийлик фаолияти унинг саховат, Ҳиммат сингари масалалардаги фалсафий қарашлари билан бевоқифа боглик. «Саховат инсоният богининг борвар шажаридур (мевади дарахти), балки ул шажарининг муфид самаридур (фойдали ҳосили, меваси)», — дейди Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да. Улуг мутафаккир наздида инсонликнинг асоси — Ҳиммат. Унингча, «Ҳимматсиз киши эр сониде эмас, руҳсиз бадани киши тирик демас». Чунки «Ҳиммат ахлигадур саховат ихтисоси (сахийлик хосдир) ва бу икки шариф сифат — валоят хоси. Саховат одамига бадандур ва Ҳиммат анга рух ва Ҳиммат ахлидин оламда юз минг футух». Яъни, Ҳиммат аҳли саховатга қодир, Ҳиммат ва саховат эса валийликнинг белгиларидандир. Саховат инсон учун бадан каби бўлса, Ҳиммат шу баданнинг руҳи ва Ҳиммат туйғуллари инсон юксак маънавий даражаларга эришади.

Давоми 3 - бетда

Олий Мажлис
Қонунчилик палата-сидаги «Адолат» СДП,
O'zLiDeP ҳақда Фидо-корлар МДПнинг де-мократик блок йиғили-ши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)-нинг 2006 йилги фаоли-яти тўғрисидаги ҳисо-боти тингланди.

Омбудсман ҳисоботи маъқулланди

Тadbирда сўзга чиққан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова парламент Омбудсман-нинг бир йиллик фаолият якунлари, фуқароларнинг мулкдорлар ҳуқуқлари кўриб чиқиш самарадорлиги юзасидан олиб берилган ишлар, қонун ҳужжатларини такомиллашти-риш ҳамда инсон ҳуқуқлари-га оид халқаро ҳуқуқ норма-лари ва тамойилларга муво-фиқлаштириш юзасидан ки-ритилган тақлифлар, шунинг-дек соҳада эришилган ютүк-лар, ечими қўтилаётган ай-рим масалалар хусусида тўхталди.

Ортимизда икки палата-

ли профессионал парламен-тининг шакллантирилгани Ом-будсманнинг парламент ту-зилмалари билан ўзаро ҳам-корлигига, мониторинг тад-қиқотларини амалга ошириш, назорат функцияси ҳамда жа-мийатни ислоҳ этиш ва мо-дернизация қилиш концеп-циясини амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, Парла-мент Омбудсмани бугун бо-шқа миллий демократик ин-ститутир билан бир қаторда адолатли ҳуқуқий давлат бар-по этиш жараёнига демокра-тик таъсир кўрсатувчи реал воситага айланди.

2006 йил инсон ҳуқуқлари-га риоя этиш борасида мони-

торинг ўтказиш механизмлари-ни такомиллаштириш Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фа-олиятининг асосий йўналиш-ларидан бири бўлди. Ҳисоб-ки-тобларга кўра, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, мулкдорлар ҳуқуқлари ва ман-фаатларини таъминлаш бора-сида кўрилаётган чора-тадбир-ларга қарамай, фуқаролардан уй-жой масалалари, коммунал хизмат ҳуқуқларининг бузила-ётгани ҳақида Омбудсманга ке-лаётган эъза ва озаки муро-жаатлар камайгани йўқ. Бу эса кўп қаватли уйлардаги турар жойлар мулкдорларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашни ўс-тидан парламент назоратини давом эттириш заруратини

юзга келтирди. Умуман олган-да, ўтган йили ушбу институт-га 7655 та мурожаат келиб ту-шган ва уларнинг барчасига юри-дик маслаҳат ва тушунтириш-лар берилган. Фуқаролар му-рожаатларида кўпроқ ижтимо-ий-иқтисодий ҳуқуқларни таъ-минлаш, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ин-соний муомала ва кадр-ким-матни ҳурмат қилиш, судда ишларни адолатли қўриш ма-салалари ўз ифодасини топ-ган. Ўтган давр мобайнида та-қрорий мурожаатлар сони 2005 йилга нисбатан камайганини ижобий ҳолат сифатида баҳо-лаш мумкин.

Давоми 2-бетда

ИНТЕРНЕТ:

ТАНГАНИНГ ИККИ ТОМОНИ



Айтишларича, Биринчи жаҳон уруши бошлан-гидан айрим халқлар ярим йилдан сўнг хабардор бўлишган экан. Бу бугунги авлод учун эртасоғай ту-юлиши мумкин. Аммо тарихдан хабардор одам би-ладики, ҳатто XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам қитъаларо ахборот алмашинуви етарли даража-да ривожланмаган. Ҳозир эса бундай мушкулотлар барҳам тоналган. Биринча интернет дунёнинг бирор нуқтасида содир бўлган воқеа-ҳодисадан сониялар ичида барчани бохабар этади. Қисқаси, ахборотга ташна одамзод учун интернет бугун яқин ҳамкор, ёрдамчи ва ҳаммаслакка айланган.

Давоми 4-бетда

Муҳокама учун мавзу

Партия ҳаёти Иш ва дастур ҳамоҳанг

Қасби туман Кенгаши партиянинг 2006-2009 йилларга мўлжалланган Фаолият дастурида бел-гилаб берилган вазифа-ларни кенг омма ўртаси-да тарғибот этишида фаоллар билан бирга са-марали иш олиб бормоқ-да. Бу партия сафининг кенгайишида аҳоли ора-сида партия нуфузининг ошишида муҳим омили бўлмоқда.

Туманимиздаги турли таш-килот ва корхоналарда, таъ-лим муассасаларида учра-шувлар, давра суҳбатлари ўтказаямиз. Бу тadbирлар-да «Адолат» СДПнинг асо-сий йўналиши, мақсад ва ва-зифалари кенг тарғиб қили-ниши баробарида мамлака-тимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисо-дий ислохотлар моҳияти, са-мараси тўғрисида фикр юри-тилмоқда.

2007 йил «Ижтимоий Ҳимоя йили» деб эълон қилинган кўпчилик қатори биз, «Адолат»чиларни ҳам ҳушнуд этди. Негаки, ижти-моий Ҳимоя тушунчаси партия-миз Фаолият дастурига гоят-да ҳамоҳанг. Шунинг учун ҳам ҳар бир партия аъзоси адо-лат тамойилларини қарор топ-тириш, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга, ногиронларга кўмак бериш-ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Зумрад Усмонова, Чори Омонов, Фарход Тоға-ев, Аҳмад Мираков сингари аъзоларимиз бу борада кўпчиликка ибрат бўлишап-ти. Зеро, халқ ўртасида партия нуфузини юксалтириш биз-нинг асосий мақсадимиз.

Норкул ОЧИЛОВ,
«Адолат» СДП Қасби туман
Кенгаши биринчи котиби



Инсон ҳуқуқларига риоя этиш

2006 йилда Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди

Давоми. Боши 1 - бетда
Хисоботда айтилишича, 2006 йилда Омбудсманга келиб тушган мурожаатларнинг 3634 таси тегишли ташкилотларга юборилган. Бу мурожаатлар қандай ҳал этилган, деган саволга Сайёра Рашидова қуйидагича жавоб берди:

— Ўтган йилги мурожаатларнинг 3500 дан ортиғи тулиқ назорат остига олиниб, ижобий ҳал этилган. Қолганлари бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилган.

Йиғилишда сўзга чиққанлар инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва унга риоя қилишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик яхши самара беришини таъкидлашди.

Юсуфжон НИШОНОВ, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Омбудсманнинг бу галги ҳисоботи аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Фаолиятлар доираси янада кенгайган, натижалар, ўзгаришлар ҳам шунга яраша.

Аҳамиятли томони шундаки, жойларда ташкилотнинг минтақавий вакилларининг ташкил этилгани фуқароларнинг ортиқча овозгарчили-



гига чек қўйиб, чекка ҳудудлардаги муаммолар шу жойнинг ўзида ҳал этилишига имкон берапти.

Фикримча, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари алоҳида қўллаб-қувватлаш ва эътиборни талаб қилмоқда. Бироқ тегишли қонунларимизда ушбу вакиллар фаолияти тўғрисида ҳам моддалар ажратилган. Шу боис жойлардаги вакиллар фаолияти доирасини янада кенгайтириш лозим. Бунга яна бир сабаб шуки, бугунги кунда аҳолининг соҳага бўлган қизиқиши, талаб ва тақдирлари, мурожаатлари тобора кўпайиб бормоқда.

Тадбирда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга риоя этишни таъминлаш бўйича жамоат тузилмалари фаолиятини кенгайтириш ва

давлат органлари ишини уйғунлаштириш, жамиятни янгилаш, демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга устувор вазифа сифатида қаралаётгани таъкидланди. Омбудсман фаолиятини ҳар томонлама тақомиллаштириш борасида янгилаш ёндашувларни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Д.Тошмухамедова Омбудсман институти келгусида партиялар билан ҳамкорликда фаолият доирасини янада кенгайтириш ҳолда иш юритиш мақсада мувофиқ бўлишини таъкидлади.

— Аҳолининг турли қатламлари манфаатини ифода этувчи сиёсий партиялар ўз дастурлари ва дастурий вазифаларини бажар-

ришда кенгрок ваколатларга эга бўлмоқда, — деди Дилором Тошмухамедова. — Айни пайтда муҳокама этилаётган Конституциявий қонун лойиҳалари сиёсий партияларга Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошириш жараёнида фаолроқ иштирок этиш, халқ фаровонлигини оширишда самарали ҳисса қўлишига имкон яратилади. Бу бир томондан сиёсий партияларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардаги иштирокини кенгайтириш, иккинчидан мазку институтнинг мониторинг йўналишларини ҳам ортиради. Бу эса ўзаро ҳамкорлик учун қўлай фурсат юзага келаятигандан далolat. Бундай ҳамкорлик фуқароларимиз манфаатларини ифода этиш, ҳақ ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Йиғилишда, шунингдек "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 74-моддасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Депутатлар томонидан Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг (Омбудсман) 2006 йилги фаолияти тўғрисида ҳисоботи ҳамда қонун лойиҳа маъқулланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Б.БОТИРОВ,
"Адолат" мухбири

Чорвачилик — сермахсул соҳа

уни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтириш мумкин

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан чорвачилик соҳасига катта эътибор берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, инсон соғлигининг омил бўлган гушт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ўтган йил март ойида қабул қилинган «Шахсий ерданчи, деҳқон ва фермер ҳужалиқларида чорва молларини кўпайтиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори соҳани ривожлантириш асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Вилоятимизда қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2006-2010 йилларда чорвачиликни комплекс ривожлантириш, шу жумладан, деҳқон ва фермер ҳужалиқларида қорамол бош сонини кўпайтириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. Дастурга асосан шахсий ерданчи, деҳқон ва фермер ҳужалиқларида моллар кўрсатиш, чорвачилик билан шугullanувчи ҳужалиқларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларни рағбатлантириш билан бирга моллар наслдорлиги ва маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамнуният ила айтиш лозимки, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўлиш ниятида астойдил меҳнат қилаётган чорвачиларимиз эл дастурининг гушт ва сут етказиб бериш режаларини ортиғи билан ба-

жариб келишяпти. Бунда чорва моллари наслини яхшилаш, етарли даражада озуқа тайёрлаш борасида зооветеринария талаблари ва интенсив технология асосида иш олиб борилаётгани қутилган самарани бераптир. Албатта, бу борада бошқарманиз мутахассислари чорвачиларга амалий ёрдам кўрсатишяпти. Улар деҳқон-фермер ҳужалиқларида бўлиб, чорва озуқаси етиштириш, бездорларни кўпайтириш, чорва озуқасининг асосий манбаи бўлган сершира сенажлар тайёрлаш бўйича маслаҳатлар, йўл-йўриқлар беришмоқда.

Чорвачилик билан шугullanувчи жамоаларда моллар ўз вақтида озиклантирилаётгани, алоҳида эътибор билан парвариш қилинаётгани учун маҳсулдорлик ошиб бораёпти. Бунинг биргина ўтган йил давомида ширкат ва фермер ҳужалиқларида 10675 тонна гушт, 9098 тонна сут, 114209 дон қоракўн тери, 1580,9 тонна жун ишлаб чиқарилганидан ҳам билса бўлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилотимизга четдан минг бош насли мол келтириш режалаштирилган. Ана шу режага асосан Кармана туманига 190 бош, Қонимех туманига 50 бош, Қизилтепа туманига 240 бош, Нурота туманига 70 бош, Навбахор туманига 190 бош ва Хатирчи туманига 260 бош насли моллар олиб келинади. Бунинг учун 28000 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Бўй ил вилотимиз худудларида 10 та зооветеринария пункти очилиши режалаштирилган. Ҳозиргача ана шундай зооветеринария шохобчаларидан иккитаси иш бошлади. Айни пайтда эса Карманадаги «Ҳазора» фермерлар уюшмаси ва Навбахор туманидаги «Олчин» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги зооветеринария пунктларини жиҳозлаш борасида молиялаштириш бўйича иш олиб боришмоқда. Бундан ташқари, чорвачилар учун вилотимиз худудларида қўшимча қўшона, ўнта сўйиш майдончасини очиш ҳам диққат-эътиборимизда.

Дарвоқе, шу йилнинг бошида вилот ҳокимининг топшириғига биноан фермер ҳужалиқлари раҳбарларининг иқтисодий, чорвачилик ва бошқа соҳалар бўйича билимларини ошириш юзасидан туманларда ўқув-семинарларни ташкил этилди. Бундан қўзланган мақсад деҳқончилик билан бирга чорвачиликни ҳам ривожлантиришдан иборат.

Абдулжаббор ЭШОНҚУЛОВ,
Навоий вилот Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси чорвачилик бўлими бошлиғи ўринбосари



Дехқон манфаатини кўзлаб

Қишлоқда фермерлик ҳаракатининг тобора кенг қўллов ёйиши пахтачилик, ғаллачилик, шўннингдек, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштиришда катта ютуқларга эришиши имконини бермоқда. Бунда фермерлик фаолияти учун яратилаётган қўлай шароитлар муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йилнинг кузида пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Министехнологиялар ва ихчам усуналарнинг ихтисослаштирилган мунтазам ишловчи халқаро кўразмаси очилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур кўразмага ташриф буюрган давлатимиз раҳбари "Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан қўзланган бош мақсадимиз - одамларда ер, мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат, - деб алоҳида таъкидлади. - Чўнки моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етаклайди".

Юртбошимизнинг бу сўзлари фермерларимизнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Фермер ҳўжалиқлари фаолияти унумдорлигини таъминлашда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ишининг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигиндан олинган маълумотга кўра, 2006 йили қишлоқ мулкдорларига 975 минибанк,

1534 муқобил МТП, 882 минерал ўғит ва 1117 ёнилғи қўйиш шохобчаси, 1301 сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хизмат кўрсатган. Мавжуд 720 ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати марказида эса фермерларга зарур маълумотлар берилган.

Айни кунларда жойларда Президентимизнинг 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган "2007 йилда қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини фермер ҳўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар, жумладан, тугатилган ширкат ҳўжалиқлари негизида фермер ҳўжалиқлари ташкил этиш ишлари якунига етди.

— Мазкур қарор асосида республикамиздаги 329 қишлоқ ҳўжалиги қорхонаси ўрнига ўн тўққиз мингдан ортиқ фермер ҳўжалиғи ташкил этилди, — деди Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг қиш-

лоқда иқтисодий ислохотлар маҳмуи раҳбари ўринбосари Муҳаммадқосим Олимов ЎзА мухбирига. — Амалдаги тартибга асосан тугатилган ширкат ҳўжалиқларида танловлар ва кимовиди савдолари ўтказилиб, бахсларда, энг аввало, ҳақиқий деҳқон, шу ҳудудда яшовчи фуқаролар манфаати ҳимоя қилинди. Ер участкаси бўйича ўтказилган танловларнинг иккита лойиҳасида қўлиб чиққан фуқаро ёки фаолият кўрсатаётган фермер ҳўжалиғи раҳбари кейинги танловларда иштирок этишига йўл қўйилмади. Шу боис, икки минг ун юз ўн беш фермер қўшимча ер олди.

Ширкатлар аъзоларининг умумий йиғилишларида ширкат ҳўжалиқларидаги мавжуд бог ва тоқорларни очик ёки ёпиқ кимовиди савдолари орқали сотишга оид қарорлар қабул қилинди. Эндиликда мамлакатимиздаги бог ва узумчилик йўналишидаги фермерлар сафига яна саккиз минг саккиз юз йигирма етти ҳўжалик қўшилди.

Шундай қилиб, мамлакатимиздаги ширкат ҳўжалиқлари ва қорхоналари тулиқ тугатилиб, уларнинг негизида янги мулк эгалари — фермер ҳўжалиқлари ташкил этилди. Қишлоқда амалга оширилаётган бундай изчил ислохотлар эса ўзининг қутулган самарасини бериши аниқ.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси

Тарбияда таълим, таълимда тарбия бор



Халқимизда бола ширин, одоби ундан ширин, деган ҳикमतомуз гап бор. Бу ҳикмат моҳияти учинчи минг йилликда ҳам долзарблигига қолмоқда. Негаки, фарзандларнинг доно, оқил кишилар бўлиб воғая етишлари нафақат ўзининг, балки бутун жамиятнинг истиқболлини белгилаб беради.

Шу ўринда тиб илмининг асосини, улуг бобокалонимиз Ибн Сино ҳаётига оид бир ривоят ёдга тушади. Айтишларича, уни ўз замонасида буюк истеъдод соҳиби, оқил инсон сифатида гоёта кадрлар малака ошириш курсини ўташ ташкил этилган. Шу кунларда улардан 44 нафари сафарбар этилган.

Яқинда Соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан 30 дан ортиқ шифокорлар гуруҳларга бўлиниб, вилотнинг барча туман қишлоқларида бўлишди. Улар аҳолининг саломатлигини назоратдан ўтказиб, зарур тиббий-профилактик ишларни амалга оширишди.

Турсунбой МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири

да ҳам маслаҳат сўрар эканлар. Шундай кунлардан бирида бир киши Ибн Сино ҳузурига келиб қиндағина тугилган фарзандига исм қўйиб беришини илтимос қилибди ҳамда "Ўғлим тарбияси билан неча ёшдан шугullanгани маҳбўб?" дея сўрабди. Шунда буюк файласуф унинг

бу саволига савол билан жавоб берибди:

— Қўлингиздаги гўдак тугилганига қанча бўлди?

— Икки кун.

— Унда Сиз фарзанд тарбияси билан шугullanганига икки кунга кечикибсиз. Тарбияни бола тугилганидан бошламоқ лозим.

Дарҳақиқат, бола тарбияси, ёш авлодининг ҳар томонлама етук инсонлар этиб воғая етказиш ўта муҳим қилибди фаоллардан бири саналади. Шунинг учун ҳам республикамизда мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳаси-

га катта эътибор қаратилмоқда. Ўрта умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тарбияланувчилар ва ўқувчи ёшлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хоразм вилот халқ таълими бошқармаси тасарруфида ҳозирги вақтда 425 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда 30 мингга яқин болалар тарбияланмоқда. Эътироф этиш керакики, соҳа ходимларининг ўз ишига астойдил ёндашаётганликлари туфайли мактабгача таълим тизимида қатор ютуқларга эришилди. Хусусан, сўнгги йилларда кўплаб болалар богчалари капитал таъмирдан чикарилиб ёки реконструкция қилиниб, замонавий кўрениш касб этди. Маълумки, жажжи ўғил-қизларнинг дунёқарашини шакллантиришда турли ўйинчоқлар, ўқув қўлланмалари муҳим аҳамиятга эга. Вилотдаги ақсарият МТМлар замонавий ҳижозлар, ўқув қўлланмалари ҳамда турли туман ўйинчоқлар билан тўла таъминланган.

МТМ тарбияланувчиларини мактабга тайёрлашда, таълим тарбия беришда "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Дастур асосида ишлаб чиқилган 3. Раззоқбергановнинг "Инглиз тили", М. Сатторов ва С. Нишонваннинг "Ўрта, катта ва

тайёрлов гуруҳларда иқтисодий ва ўқув асослари", М. Файзуллаеванин "Конституция сабоқлари" фанларидан сабоқ берилапти. Жажжи болакайларнинг билим даражалари ҳар чоракда махсус тест саволлари ёрдамида аниқланмоқда. Тажрибали тарбиячи-педагоглар, мураббийлар болаларга юқорида санаб ўтилган дарслардан ташқари гимнастика, сузиш каби спорт машғулотларини ҳам олиб боришяпти. Бу болаларнинг жисмоний чиникиши, қолаверса, спортга меҳр қўйишига сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда бутун республикада бўлгани каби Хоразм вилотидаги айрим мактабгача таълим муассасаларида ёки реконструкция қилиниб, замонавий кўрениш касб этди. Маълумки, жажжи ўғил-қизларнинг дунёқарашини шакллантиришда турли ўйинчоқлар, ўқув қўлланмалари муҳим аҳамиятга эга. Вилотдаги ақсарият МТМлар замонавий ҳижозлар, ўқув қўлланмалари ҳамда турли туман ўйинчоқлар билан тўла таъминланган.

МТМ тарбияланувчиларини мактабга тайёрлашда, таълим тарбия беришда "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Дастур асосида ишлаб чиқилган 3. Раззоқбергановнинг "Инглиз тили", М. Сатторов ва С. Нишонваннинг "Ўрта, катта ва

Ғулом ХИДИРОВ,
"Адолат" мухбири

Қишлоқ аҳолисига ғамхўрлик

Республикамизда қишлоқ аҳолисига юқори даражадаги тиббий-профилактика хизмати кўрсатишини йўлга қўйиш, барча қўлайликларга эга шифо масканларини бунёд этишга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ шифохоналари ва врачлик пунктларининг янгиликдан чиқиб чиқиб, уларнинг энг сўнги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани фикримиз исботидир.

Сурхондарё вилотида ҳозирги вақтда 242 қишлоқ врачлик пункти аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Улар 260 нафар умумий амалиётга эга малакали врачлар, ўнлаб ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган.

— Шифокорлар ва ҳомийлар йилида 44 та ҚВП ҳомийлар ҳисобидан қайта таъмирланди, — дейди вилот соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зокир Мама-рахимов. — Қишлоқ врачлик

пунктларининг 184 таси «Саломатлик-2» лойиҳа асосида 142 миллион сўмликдан ортиқ мебель жиҳозлари, 375000 АҚШ доллари миқдорида замонавий тиббий асбоб-ускуналар — ЭКГ аппарати, акушер-гинекологик креслолар, жарроҳлик жиҳозлари, катта миқдордаги лаборатория таҳлилий асбоб-ускуналар билан таъминланди. 79 та ҚВПга телефон линиялари тортилди, 20 тасига модель алоқаси тармоғи ўрнатилди. Шу йилнинг март

Электр линиясидаги чекла-нишлар иш жараёнига таъсир этмай қолмайди. Бунинг ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ врачлик пунктларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда ҳар бир врачлик пунктига

кичик ҳажмдаги дизель электр станциялари ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. 260 нафар умумий амалиёт шифокорларининг Тошкент шаҳрига 10 ойлик малака ошириш курсини ўташ ташкил этилган. Шу кунларда улардан 44 нафари сафарбар этилган.

Яқинда Соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан 30 дан ортиқ шифокорлар гуруҳларга бўлиниб, вилотнинг барча туман қишлоқларида бўлишди. Улар аҳолининг саломатлигини назоратдан ўтказиб, зарур тиббий-профилактик ишларни амалга оширишди.

Турсунбой МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири

Никоҳга бефарқ бўлманг

Оила бизда азалдан муқаддас саналган. Зеро, Ватанга муҳаббат туйғуси, аввало, оилада шаклланади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақиллигимизнинг шик қўлириданок оила мустаҳкамлиги, муқаддаслиги ва албатта тишч-тотувлигига асосий эътибор қаратиб келинаётир.

Энг асосий, бўлгуси оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, бугун юртимизда кўпчилик ҳавас қилгучи оилалар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Албатта, бу жараёнда оилавий муносабатларга дахлдор идораларнинг қўшаётган ҳиссаси салмоқли. Айниқса, жойларда фаолият юритаётган ФХДЭ бўлимлари ходимлари бу борада жонбозлик кўрсатишмоқда.

Самарқанд вилотида турмуш қураётган ёшларнинг жисман соғломлигига, маънан етулгичига эътибор қаратиш нафақат орган ва идора ходимларининг, балки ҳар бир ота-онанинг, маҳалла-қўйнинг вазифасига айланган. Бунинг натижасида оилаларнинг аж-

рашиб кетиш ҳоллари ўз-ўзидан камайди. Айни пайтда вилотда 14 та ФХДЭ бўлими ва уларнинг филиаллари, 2 та Никоҳ ва Бахт уйлари бу борада самарали фаолият олиб бормоқда.

— Соғлом авлод баркамоллик мезони деб беҳижга айтилмаган, — дейди Самарқанд шаҳридаги 1-сон ФХДЭ бўлими мудири Равно Вазиева. — Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги" қарорига асосан бўлимимизга мурожаат этаётган шахслар махсус йўлланмалар асосида тиббий кўрикдан ўтказилишмоқда. Бунинг натижасида кўп ҳолларда оила қуришга тайёр бўлмаган ёшлар аниқланиб, уларга даволаниш лозимлиги айтилмоқда, бундай соғайиб кетганидан кейингига

қонуний никоҳдан ўтиши тушунтирилмоқда. Албатта, бу маҳаллаларда, таълим муассасаларида олиб борилаётган тарбия-ташвиқот ишларимиз самарасидир.

— Асосий Қомусимизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўлини, у давлат муҳофазасида экани алоҳида қайд этилган, — дейди Жомбой туман ФХДЭ бўлими мудири Нилуфар Эсонова. — Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод тугилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилот Адлия ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармалари иш режасига асосан ҳар ойда бир марта ФХДЭ бўлими қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" ўқув машғулотири ўтказилмоқда.

Элёрбек АБДУМУРОДОВ,
ТДЮН талабаси

«Сахий булутдир — иши хирмон...»

Давоми. Боши 1 - бетда

Дарҳақиқат, ҳиммат ҳолини кашф этиш валют чўққилирига етишишнинг нишонасидир. Шу сабабли ҳам Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳимматни валийликнинг шартларидан бири сифатида кўрсатиб ўтади. Ҳуш, ҳиммат инсонда қандай фазилатларни тарбиялайди? Аввало, «базли мавжуд» — ўзидаги нарсани бошқалар билан баҳам кўра олиш. Қолаверса, ҳасислик, баҳилик сингари иллатларни инсон табиятидан қувадиган куч ҳам ҳиммат ва саховатдир. «Сахий булутдир — иши хирмон», балки маҳзан бермак. Баҳил мурдур (чумоли) — даъби хуша (одати бошқо), балки дон термак. Инсон табиятини баҳиликдан покламай туриб камолотга эриштириб бўлмайди. «Соҳиби ҳиммат муфлислик била паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас».

Ҳиммат Навоийда нафақат инсоний фазилат, балки ижтимоий аҳамиятга молик фалсафий-ахлоқий категория даражасига кўтарилган. Чунки ҳиммат инсоннинг жамият билан алоқасини таъминлайдиган воситалардандир. Жамият бўлиб яшаш инсонларнинг бир-бирлари учун таянч бўлишларини тақозо этади. Навоий наздида олий ҳиммат — ночор ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, зарур пайтда керакли ёрдамни кўрсатиш. Улуг шоир «Ҳайрат ул-аброр» асарида шундай ёзади:

*Букки санга тенгери ато айлади,
Қисм қарам бирла саҳо айлади...
Ҳуш саховат чоғи бўл этмағил,
Шукр замони доғи бўл этмағил.
Бухл эрур борча сифатдин хасис,
Лек саҳо жаваҳри асру нафис.*

Навоий саховат кўрсатилиши керак бўлган инсонлар тоифасига, аввало, бор, эҳтиёжмандлар ва талабаларни киритган. Уларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилиши лозим, деган. Масалан, у истеъдодли тоилиби илмларни излаб топиш ва уларга илм чўққиларини эгаллашга қўмақлаштиш, камбағалларга қийим ва таом улаштиш ҳиммат йўлини тутганлар учун фарзи айндир дейди: «хунарларни топпок — едурмакдур ва

айбларни ёппок кийдурмакдур. Маҳалида берган эски тўн — саховат ва бемаҳал берган зарбофт чоркаб — шақоват. Десанги, таоминг зоеъ бўлмағай — едур ва тилсанги, либосинг эскирмағай — кийдур».

Ҳиммат, саховат инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллики кучайтиради. Бир-бирлари ҳолидан хабар олиб, зарур пайтда ёрдам кўрсатиш эса ижтимоий ҳамжиҳатликка хизмат қилади. Буни юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Бироқ ҳимматни исрофдан, саховатни манманликдан фарқлаш керак. Кўрқона, кераксиз жойда кўрсатилган ҳиммат — исроф, кўз-қўз қилиб, инсон шайини топтатидиган саховат — манманлик. Навоий бу хусусда ёзади: «ҳиммат аҳлига агарчи бийик қавабдур, аммо саховатга неча мартабадур. Исроф саҳо эмас ва итлофни (йўқ қилиш, барбод қилишни) маъно аҳли саҳо демас. Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубохот (фахрланиш, мактанаш) учун бермак — худнамолик ва анинг била ўзин сахий демак — беҳаёлик. Улки эл кўрмагунча бермас — лаимдур (паст, нокас), сахий эмас. Тилаб берганин ҳам саҳодин йирок бил, иб-рам (кистаб, қаттиқ талаб қилиб олиш) била бергандин бермаганин яхшикор бил. Бирта ўтмак (нон)ни икки бўлуб, ярмин бир очга берганин сахий де, ўзи эмай барин муҳтожга берганин ахий де».

Демак, эҳтиёж бўлмаган жойда ҳиммат кўрсатиш ёруғ кунда шам ёқиш билан баробар, намойишқорона, асос пуч обрў ортириш учун қилинган саховат — сохтакорлик. Бошқача айтганда, Навоий ҳиммат дарёсининг қайси узандан оқиши ва қай манзилларга ҳаёт ато этиши кераклигини ҳам аниқ кўрсатиб берганки, бу ноёб қарашлар бугунги кунимизда ҳам асқотишига шак-шубҳа йўқ.

Саховат, ҳиммат кўрсатишдан олдин, дейди Навоий, ким шунга ҳақиқатда муҳтож ва лойиқ эканлигини англамоқ керак

*Эйки санга тенгери насиб этти жоҳ,
Берди қарам қилмоқ учун дастгоҳ.
Билки саҳо қилғали кимдур муҳик,
Сийм берурга ким эрур мустаҳик.
Сочмоқ овуҷ бирла суҳур от учун,
Нақд этак бирла мубохот учун.
Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.
Беҳуда ҳиммат кўрсатиш исрофгар-чилик бўлса, зарарли жойга саховат қилиш ижтимоий иллатларнинг урчишига олиб келади. Бу заҳарли ўсим-ликнинг остига сув қуйиб, уни яшна-тиш ёки иллонни аждаҳго айлантириш-да гап. Бинобарин, ҳиммат ва саховат эгаси учун огоҳлик бош талабдир.*

Навоий учун ҳиммат нафақат ижодий маъзу, балки ҳаётий маслак ҳам бўлган. Шу боис умр бўйи ҳиммат, саховат, қарам, мурувват гоғларига содиқ қолган. Буни бобомизнинг асарларидаги ўз эътирофлари, шунингдек, замондошларининг қайдларидан билиш мумкин. «Вакфия»да у ўз мол-мулкининг қайси соҳа муассасаларига мерос қилиб қолдираётганлиги ва улардан тушадиган даромад қилмалар қанча миқдордан тақсимланиши кераклиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар берган.

Алишер Навоийнинг ҳомиийлик, саховат, мурувват, қарам борасидаги қарашлари бугунги кунда ҳам барча-мизга ибрат мактабидир. Бобомизнинг асарлари инсонни эзгуликка қорлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш-да маёқ бўлиб қолаверади. Мамлакатимиздагина эмас, қатор хорижий давлатларда ҳам буюк бобомизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида маҳобатли ёдгорликларнинг қад ростлаши, асарларининг жаҳоннинг қўллаб ҳалқлари тилида чоп этилиши шонли тарихимиз, қадимий маданиятимиз билан бирга буюк келажакимизга бўлган ишончининг тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Ҳа, дунё бор экан, Алишер Навоий бадииятининг — инсонни эзгуликка қорловчи сўзининг аҳамияти юксалиб бораверади.

Ў.А. муҳбири
Норали ОЧИНЛОВ ёзиб олди

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

Ҳамкорлик пойдевори мустаҳкам

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан яқин ва дўстона ҳамкорлигига 1991 йилнинг августидеъ асос солинган эди. Ушанда давлат мустақиллигини эълон қилиш арафасида турган Ўзбекистон раҳбари ўзининг ташқи дунёга биринчи мустақил ташрифини Ҳиндистондан бошлаганди.

Телеэкранда кузатганларим ҳамон кўз олдимда. Дехлида Исмоил Каримов худди мустақил давлат раҳбаридек, барча расмий маросимлар жойига қўйилган ҳолда кўтиб олинди. Бундан фахрланганимиз ва Москва қандай муносабат билдирар экан, деб ҳаяжон билан кутганимиз. Назаримда, бу мустақилликни эълон қилиш олдидан гоята журъдли қадам бўлган эди.

Ўзбек ва ҳинд халқларининг ўзаро яқинлиги, дўстона муносабатлари узок ўтмишга бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, алоқаларимиз эраимиздан олдинги IV асрда ҳам мавжуд бўлган. Шундан кейин улар бир неча бор ягона империя таркибига бўлишган. Бобурилар даври эса ана шу илқ муносабатларнинг ифодаси ўлароқ, тарихда ёрқин из қолдирди. Ҳатто собиқ иттифок даврида ҳам Дехли билан Тошкент ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик изчил давом этди.

Биз ёши катталар яхши билимиз, Ҳиндистоннинг маш-хур давлат ва жамоат арбоб-лари, ҳинд халқининг улуг фарзандлари — Жавахарлал Неру ва Индира Ганди Ўзбекистонни, аиникса, Тошкентни ўзига меҳр олиб севин-ди. Бош вазир Неру ва унинг қизи 1951 ва 1955 йиллардаёқ Ўзбекистонни, унинг пойтах-тини кўриб, бу юртга мафтун бўлишган эди. Уша пайтдаёқ

хўжалиги каби соҳаларни қамраб олган. Икки давлат ўртасида ҳамкорлик ва дав-латлараро муносабатлар тўғрисида имзоланган шарт-нома эса бутун алоқаларимиз-нинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Мустақиллик йиллари-да бу муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, янги ма-зун-моҳият касб этиб бора-тир. Утган йилларда Ўзбеки-стон Президенти Ҳиндистонда тўрт марта бўлди, ўз навба-тида, Ҳиндистоннинг деярли барча раҳбарлари Ўзбеки-стонда бўлишди. Энг муҳими, ўтган даврда Ҳиндистоннинг бизга нисбатан сийосатида ва-зиятга қараб ўзгарув ёки но-аниқлик кузатилмади, аксин-ча изчиллик ва қатъиятлик намоён бўлди. Зотан, давлат-лараро муносабатларда бу жуда муҳим.

Ҳозир Ҳиндистонда ҳуқу-матни бошқараётган сиёсий кучларни Неру — Ганди иш-ларининг давомчилари, дей-иш мумкин. Бош вазир Ман-мохан Сингх Сония Гандининг сафдоши. Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясининг етак-чиси ихтиёрий равишда, қалб-нидосига қулоқ солиб бош-вазирлик лавозимига ўз саф-доши ва маслаҳатчисини та-всия этганди. Манмохан Сингх сон жихатидан мамлакатдаги ҳинду ва мусулмонлардан кейин турадиган оз сонли қабиладан. Бу ҳолат кўп ми-ллатли мамлакат аҳолисини бир мақсад йўлида бирлаш-тиришга хизмат қилмоқда.

Манмохан Сингх Индира Ганди даврдан бошлаб бош-вазирнинг итисодий масала-лар бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. Панҳоб, Кем-бриж, Оксфорд университет-

Иброҳим НОРМАТОВ,
смэй шарҳловчи,
«Туркисон-пресс»

Кўнгил мулки мукаррам

Қадим Шарқ сўз санъатининг ноёб услубла-рида яратилган улуг шоир Алишер Навоий асарлари буюк бобомизга Оллоҳ томонидан фавқуллода инъом этилган улкан истеъдо-нинг жозиб меваляридир. Зеро, Алишер На-воий ишқ орқали ошқига ва ошқ орқали ишқка, дунёнинг инсониятга ва инсонинг-дунёга муносабатлари воситасида, лирик қаҳрамон «мен»ини моҳирона яратди, ҳаётий кечинмаларни, кўнгил орзуларини ранг-баранг тасвирлайди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг аксарият ғазалларида кўнгилга мурожаат қилинганга гувоҳ бўламиз. «Ҳазойинул-маоний»даги бир ғазалнинг мазмунини ўқиш ҳаваси боис, куйида ўз мушоҳадаларимизни баён этмоқ-чимиз. Ғазалнинг матлаби куйидаги байт би-лан бошланади:

*Эй кўнгул, келкам, бало баъзида жамии гам тутай,
Ўз қатъи ҳалимга ўлмасдин бурун мотам тутай,
Бир қарашда ушбу сатрлардан лирик қаҳрамон — иштиробдаги кишининг ўзим-нинг мушкул ҳолимага ўзим аза тутаман, яъни мотамсароман, деган фикрлари маъноси ан-глашлайди. Лекин бу ўриндаги бир фикр, яъни «бало баъзида жамии гам тутмоқ» — киши бошига фавқуллода тушган лаҳзалик қайғу, оғир кўргулик эмас, балки у инсон умрини, ҳаётини англайди. Зеро, ташвиш-сиз бирор-бир дақиқа йўқки, инсон яшаш учун курашимини, мақсадга етмоқ учун изти-роб чекмасин — «бало баъзида» га дуч келма-ди. Аслида одамнинг ўлмасдан бурун ўзи учун мотам тутмоғи нотабиийдир, чунки ма-рҳумга ўзи эмас, бошқалар мотам тутайди. Аммо бошига тушган мушкул савдолардан киши азадордек маҳзун бўлади. Ўз аҳволи-дан ноллиб кўнглига нола қилади.*

*Йиллабон бошимга аҳам дудидин чирмаб қаро,
Мотамим сиз сўнра тутунчи, ўзим бу дам тутай.
Ушбу сатрларни куйидагича талқин қилиш мумкин: оху нолам тутундиган бошимга фикр жамлаб, йиллаб, ўз менга қайғу чекмасидан аввал ўзимга ўзим мотам тутай. «Қаро чирма-моқ» — бошга мушкул савдо тушганига ишо-радир. Ушбу ўринда «Қаро» сўзи танг ҳолатни кўнатириб келаяпти. «Оҳим дудидин», фикри-мизча, бу дунё синови, имтиҳони, жабру ситам оловида куйдиргувчи азоблар.*

«Бу дам», аслида, бир мuddат, бир дақиқа эмас, балки инсон умри, яъни тугилиш ва ўлим оралиғидаги масофа.

*Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, келмиш тарки жамулаи олам тутай.
Олам аҳлига, яъни инсонларга бисёр вафо қилдим, яхшилик қўргиздим, лекин жафо*

Навоий ғазалига муҳаммас

*Васли дилдор меҳрига не иштибо билан етай?
Ҳаста бу дил доридин қай қимсага изҳор етай?
Гам ситамлар бариди маҳзунимга дoston битай,
Эй кўнгул, келкам, бало баъзида жамии гам тутай,
Ўз қатъи ҳалимга ўлмасдин бурун мотам тутай.*

*Потавон, сўлгин кўнлига тушти ақси можаеро,
Қанди, бу эжасим, титилмай, тақсирлар ранжар аро.
Тортган ул ранг доридин сўлгин дилим, бағрим яро,
Йиллабон бошимга аҳам дудидин чирмаб қаро,
Мотамим сиз сўнра тутунчи, ўзим бу дам тутай.*

*Дейдилар: Бордир сафодилар бу сўз эрмас хато,
Мағшилин сиз султанеъ, бор бўлса ул, қайда сафо.
Олар кўнгулга қўл солиб, ҳеч топмадм излаб вафо,
Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, келмиш тарки жамулаи олам тутай.*

*Шоду хуррам айланмаз дилин, кишининг аҳди шул,
Меҳрибонлик баъзини боз айланг, унсин ошда шул.
Ҳар ҳавас ўткинчи лек, вақтида хуш бўлсин кўнгул,*

тортдим, кўнглим, кел энди, жумла оламни тарк этай, дейди шоир. Сатрларда жуда ҳам теран фалсафа муҳассам: бу тириклик озо-ридан зада инсон иймонига зид қазосига рози ошқининг аҳди эмас. Аксинча, ошқ вафосиз-лар даврасини тарк этиб, кўнгил нохушликла-ридан воз кечиш, тоат-ибодатга юз буришга, яхшиларга ёндошишга шайланаётир.

Навбатдаги байт:

*Эндиким, шират сурудидин очилмон, эй кўнгул,
Навха оҳангин тузиб бир дам сени хуррам тутай.*

Кўнглим, энди ишрат, яъни вақтичоглик (ви-сол баъзи эмас) ҳаёлидан яйрай олмайсан, «навха оҳангин тузиб», яъни бир дам нола этиб, ийглаб туриб сени шод этай, дейди шоир. Йилламоқ эса, инсоннинг гамдан холи бўлмоқ йўлидаги бир чорасики, зотан ҳаётда харчанд шодлик қилиб ҳам қайғуни унут-иш қийин кечади. Лекин киши жабр чекиб ийла-ганда бир оз бўлса-да руҳи енгил тортайди, дардлар унут бўлади.

Кейинги сатрлар:

*Мастлигин ўзга йўқ дардим иложи соқие,
Май кетурким, ҳам ичай, бир лаҳза они ҳам тутай.*

*Кўйил, эй носихчи, муг дайрида ўз аҳволима,
Масту лояқил ёқам ширтиб, суруди гам тутай.*

Бу ўринда тилга олинган соқий ким, қай ҳолатдаги мастлик, қанча май ҳақида сўз юритилаётир? Назаримизда, соқий — ҳаёт, май — дунё лаззати, шодлиқлари, мастлик эса ана шу шодлиқлардан тўйиб сармаст бўлиш. Носих, яъни насихатқўйга муг дайри — майхонада ўз аҳволига куймоқни сўраётган лирик қаҳра-мон гамнинг қўшиғини айтмоқ, яъни дардла-рини баралла қуйламоқ истади. Демак, дунё шодлигидан, тириклик имконидан хуррам бўлмоқни хоҳлайди.

Ғазал мактааси:

*Чун эжаҳон бирла эжаҳон аҳлига йўқ эрмиш бақо,
Эй Навоий, мен фано сарриштини маҳкам тутай.*

Модомики, жаҳонга, жаҳон аҳлига бо-қийлик насиб этмаган экан, фано сарриш-тасини маҳкам тутмоқ, яъни чин дунё би-лан боғлагувчи риштани маҳкам тутмоқ аф-зал, дейилмоқда ушбу сатрларда.

Буюк шоир ғазалларининг ҳар бир байти юксак эътибору эъзога аризулиқ. Биз, им-конимиз қадар, ҳазратнинг бир ғазалини ту-шуниб ўқишга уриниб кўрдик. Аслида Навоий асарларига ҳавас ва ҳайрат ботиний бир ин-тилиш билан пайдо бўладиган маънавий эҳти-ёждир. Шоир ғазалларидаги сатрлар маъно-сини тушуниб берган сари киши ўз ички оламни кашф этиб боради. Қамина юкори-даги ғазални кўнглимга ошно этиш ҳавасида куйидаги таҳминси ёзишга журъат этдим.

*Эндиким, шират сурудидин очилмон, эй кўнгул,
Навха оҳангин тузиб, бир дам сени хуррам тутай.*

*Дардларимни тинчламас ботилму, ер, кўз тоқи е?
Чун гуворликларга таркиш, қўзларимнинг оқи е?
Май ила дўстманмиким, май қўлида ўйноқи е?
Мастлигин ўзга йўқ дардим, иложи, соқие,
Май кетурким, ҳам ичай бир лаҳза они, ҳам тутай.*

*Эй кўнгул, сен мард эсанг, сўд кори туз, аҳволима,
Ҳажеъет илосидин келтурма, сўз, аҳволима.
Ҳеч ганимлар назидан бокдирма, кўз, аҳволима,
Кўйил, эй носихчи, муг дайрида ўз аҳволима,
Масту лояқил ёқам ширтиб, суруди гам тутай.*

*Мен, Сулаймон, доғишин сўз сўзламай ҳаргиз хато,
Барчаси ўткинчилар хуш кўнгул, шодлик, куй, сато.
Бир эжаҳонда гам ситамдан ўзга йўқ ҳеч бир вақо,
Чун эжаҳон бирла, эжаҳон аҳлига йўқ эрмиш бақо,
Эй Навоий, мен фано сарриштини маҳкам тутай.*

Сулаймон Ҳайдар КАСБИЙ



Самарқанд туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-рини қайта ишлайдиган ўндан ортиқ кичик корхоналар фаолият юритмоқда. «Парвина» агрофирмаси мукам-мал технологиялар билан жиҳозланган ана шундай кор-хоналардан бири, гоят сифатли маҳсулотлари билан турли халқро кўргазмаларда совриндор бўлиб келаёт-ган жамоа истеъмол бозорини янада сероб этиш учун янги имкониятларни ишга солмоқда.



Суратларда: корхонанинг қайноқ ҳаёти-дан лаҳзалар акс эттирилган.
Зоҳир ТўРАКУЛОВ олган суратлар.

Экологик тоза, арзон, қулай ва тежамли

Бензин ўрнини босадиган ёнилғи топшиш анча-дан бери давом этиб келмоқда. Шу даврга қадар бензинга муқобил ёнилғи сифатида электр тоқи, этил спирт, табиий газ, метанол ва бошқа эле-ментлар мутахассислар синовидан ўтказилди. Улар орасида кам харҷлиги, ҳар томонлама қулайлиги жиҳатидан газ алоҳида хусусиятларни намоён этди.

Автоуловга газ мосламаси ўрнатилишнинг асосий афзал-ликларидан бири унинг те-жамкорлигидир. Чунки газ ускуналари билан жиҳозлан-ган машиналар харажати бензин билан юрган маши-наларга қараганда бирмунча арзон. Қолаверса, газ маши-нанинг техникавий иш жара-ёнларини зўрқитириган ҳолда унинг двигатели кув-ватини ҳам кучайтиради. Ма-салан, машина цилиндрли,

узайтириш имконини бера-ди. Табиийки, уларнинг таъ-мирлашга кетадиган харажат-лари ҳам камаяди. Сўзимиз-нинг исботи сифатида 1 литр бензин — 650 см бўлса, газ-нинг 400 смлигини ҳисобга олсак, автомобилларни газ-лаштириш нечоғлиқ иқтисо-дий самара беришини ан-глаш қийин эмас.

Газ тизими автомобилнинг амортизация қисмига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Агар газдан турғи фойдала-нилса, резинали техник мос-ламаларнинг фойдаланиш мuddати беш йилга узаяди. Яна бир жиҳат: баллонли газ ускуналари автомобилнинг ўрнатишга тезкор дилердир. BRC Gas Equipment (Италия) компа-ниясига қарашли бўлиб, бал-лонли газ ускуналариини ўрнатувчи тезкор дилердир. BRC Gas Equipment тамгаси билан қийрилган маҳсулот-лар ўзининг юксак сифати ва кенг дилерлик тизими билан машҳур. Бугунги кун-да у ўз ускуналари ва бут-лама қисмларини Европа-нинг кўллаб мамлакатлари-

ёнилғининг узатиш йўли ба-тамом бекилади: мотор ўт ол-майди.

«Intermobgaz» масъули-яти чекланган жамияти ав-томашиналарга баллонли газ ускуналари ўрнатиш, газ қуйиш шохобчаларини мон-таж қилиш ва улардан фой-даланиш фаолияти билан шуғулланади. У BRC Gas Equipment (Италия) компа-ниясига қарашли бўлиб, бал-лонли газ ускуналариини ўрнатувчи тезкор дилердир. BRC Gas Equipment тамгаси билан қийрилган маҳсулот-лар ўзининг юксак сифати ва кенг дилерлик тизими билан машҳур. Бугунги кун-да у ўз ускуналари ва бут-лама қисмларини Европа-нинг кўллаб мамлакатлари-

га пешма-пеш етказиб бер-моқда. Экологик хавфсизлик бўйича «ЕВРО-3», «ЕВРО-4» талабларига мос.

Ҳозир пойтахтимизда 13 та автомобилларга газ қуйиш шохобчаси ишлаб ту-рибди. Яна ўндан ортиқ шундай шохобчалар қури-лмоқда. Бир сўз билан айт-ганда, миҳозларимиз Ўзбе-кистонда тобора кўпайиб бормоқда. Демак, сизу биз бу тажрибадан қанчалик тез ва самарали фойдалансак, бундан барча бирдек ман-фаатдор бўлади. Зеро, у қулай, арзон, тежамкор ва экологик тоза...


Муртазо СУЛТОНОВ,
«Intermobgaz» компанияси
директорлар кенгаши раиси,
иқтисод фанлари номзоди

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

Собиқ мэр

президентликка даъвогар

Нью-Йоркнинг собиқ мэри Рудольф Жулиани АҚШ президентлигига бўладиган сайловларда қат-нашиши мақсадида федерал комиссияга ариза берди.



Ҳозирда у сайловолди кам-пания учун восита тўловчи жағмарга билан ҳамкорлик-

да сайловда ҳал қилувчи уринга эга бўладиган Нью-Хэмпшир ва Шимолый Каро-лина штатларида учрашувлар ўтказмоқда.

Р. Жулиани республикачи-лар партиясининг энг кўзга кўринган аъзоларидан бири ҳисобланади. Fox News теле-компанияси ўтказган сўров натижаларига кўра, респу-бликачилар тарафдорлари-нинг 34 фоизи унга овоз бе-риши мумкин. Демак, собиқ шаҳар мэри ўзининг рақи-б

ларидан анча олдинда. Шунингдек, сайловчиларнинг тахминан бешдан бири қисми — 22 фоизи сенатор Жон Маккейнин ёқласа, 15 фои-фуқаро эса вакиллар палата-сининг собиқ спикери Нют Гингрич томониди.

АҚШ микёсидаги энг етакчи сисбатдорлардан бири бўлган Р. Жулиани мамлакатнинг йи-рик шаҳридаги жиноятчиликка қарши олиб борган кураши ва 2001 йил 11 сентябрдаги воқеа-лардан сўнг қилган дадил саъй-харажатлари туйғайли тезда та-нилган. У республикачилар ичи-да Жон Маккей ва Массачу-сетс штати губернатори Митт Ромнидан кейин президент бўлиш илжидаги бўлган ном-зод ҳисобланади.

Умуман олганда, ҳозирга қадар республикачилардан 7 нафар, демократлардан 8 на-фар аъзо ўз номзодини кўрсатган. 2008 йилда бўлиб ўтадиган президент сайлов-ларига Оқ уйнинг ҳозирги раҳбари Жорж Буш учинчи маротаба ўз номзодини ил-гари суришга ҳаққи йўқ.

Қирғизистонда янги ҳукумат

Қирғизистон парламенти шу кунларда Бош вазир Азим Исабоев лойиҳасига асосланган янги ҳукумат тузилмасини тасдиқлади. Унга кўра, ҳукуматини Бош вазир, биринчи вице-ваз

